



ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Шукуров Жаҳонгир Раббонаевич

Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган
филиали Жиноят-хуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7337574>

ARTICLE INFO

Received: 07th November 2022

Accepted: 15th November 2022

Online: 19th November 2022

KEY WORDS

ABSTRACT

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасидаги илмий тадқиқотлар соҳасидаги иқтисодий жиноятчиликнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш янги йўналиш бўлиб, у янгича иқтисодий шароитлар замирида юзага келаётган ҳамда иқтисодий асосларга путур етказувчи жиноятчилик турларини пайдо бўлиш ва ривожланишини олдиндан кўра билиш, унга қарши курашишга ҳамда унинг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатларини яратишга алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасидаги илмий тадқиқотлар соҳасидаги иқтисодий жиноятчиликнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш янги йўналиш бўлиб, у янгича иқтисодий шароитлар замирида юзага келаётган ҳамда иқтисодий асосларга путур етказувчи жиноятчилик турларини пайдо бўлиш ва ривожланишини олдиндан кўра билиш, унга қарши курашишга ҳамда унинг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатларини яратишга алоҳида аҳамиятга эга.

Иқтисодий муносабатлар устувор ҳисобланган жамиятда иқтисодий жиноятчиликка ҳам эътибор кучли бўлиши керак. Иқтисодий жиноятчилик эса ўзгарувчан ва беқарор хусусиятга эга бўлганлиги учун ҳам уни кўпроқ ўрганиш, уни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларни илмий таҳлил этиш орқали бундай жиноятчиликнинг

олдини олиш ва унга қарши кураш услубларини такомиллаштириб бориш керак бўлади. Иқтисодиёт соҳасидаги ҳар қандай ижтимоий муносабатларнинг бузилган ҳолда бу соҳадаги жиноятларни ортиб бориши натижасида жамиятга жуда катта миқдорда зарар етказилади. Бу эса мамлакат иқтисодий хавфсизлигига хавф туғдиради. Шу сабабли иқтисодий жиноятлар муаммоларининг илмий ечимларини топишга бўлган талаб ҳозирги шароитдаги реал криминоген ҳолатлардан келиб чиқиши лозим. Мазкур мавзуда яратилган илмий ишларнинг таҳлили бу мавзунинг нисбатан янги ва яхши ўрганилмаганлигидан далолат беради. Хорижлик тадқиқотчилар томонидан иқтисодий жиноятчилик феномени ва методологияси ҳақида кўпгина илмий ишлар ёзилган ва илмий ишлар олиб борилган. Шунга қарамаздан уларда



асосан иқтисодий жиноятчилик келиб чиқишига асосий урғу берилган. Республикамиздаги илмий ишлар ва ёзилаётган мақолалар эса ҳали бу жиноятчиликка қарши курашдаги муаммоларга тўли ечим топмоқда деб бўлмайди.

Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашнинг маҳаллий ва чет эл олимлари томонидан ўрганилганлик даражасини аниқлаш ва ёритиш мақсадида бир қатор диссертация, монография, мақола ва илмий конференцияларнинг материаллари таҳлил қилинди.

Ушбу мавзуга боғлиқ бўлган илмий тадқиқотларни умумлаштириб, уларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ - Ўзбекистонлик олим ва мутахассисларнинг тадқиқотлари, жумладан, М.Рустамбаев, Ж.Неъматов, М.Собиров, П.Бакунов, Ю.Джураев, А.Бабишев, Х.Абдурасулова, Б.Ахраров, А.Аллаберганов, Р.Қабулов, М.Усманиев ва бошқаларнинг илмий ишлари[1];

Иккинчи гуруҳ - МДҲга аъзо давлатларнинг, жумладан Россия Федерацияси тадқиқотчилари - С.А.Анощенкова, В.В.Гладилин, Н.А.Лапашенко, М.Х.Лапунин, В.В.Лунеев, А.В.Наумов ва А.А.Скворцовларнинг илмий ишлари[2].

Учинчи гуруҳ - ҳориж давлатларининг тадқиқотчилар - Ч.Ф. Мустафаев, М.Патен ва бошқаларнинг илмий ишлари[3].

Қайд қилинганлардан ташқари, таълим муассасалар вакиллари ва айрим мутахассис ҳамда экспертлар ҳам ушбу муаммонинг ҳуқуқий ва кримнологик жиҳатларини тадқиқ қилиб, ўз

фирларини, муаммолар ечимлари бўйича таклифларини берган.

Тадқиқотчилар томонидан иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш ҳақида кўпгина илмий ишлар ёзилган ва илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Шунга қарамасдан, уларда асосан олимлар томонидан берилаётган фикрларнинг назарий жиҳатларини кузатиш мумкин. Бугунги давр талаби эса асосан амалий натижаларни, иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш муаммоси ва уларни ечиш борасидаги масаларига эътибор қаратишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистондаги маҳаллий олимларнинг ўз тадқиқотларида айнан мазкур жиноятларга қарши курашнинг қайси жиҳатларини ўрганганлигини тадқиқ этганлигига қараб, шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳга - М.Рустамбоев ва Б.Ахраровлар ишларида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни квалификация қилиш муаммоларини таҳлил қилган; Иккинчи гуруҳга - Х.Абдурасулова, А.Аллабергановлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчилигининг кримнологик тавсифи ва уларни олдини олиш каби масалаларни ва ушбу жиноятларни сабаблари ва уларни келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилган[4];

Учинчи гуруҳга - П.Бакунов, М.Усманиевлар эса иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар хусусан, ўзганинг мулкани талон-торож қилиш жиноятлари учун жавобгарлик масалалари ва бундай жиноятлар учун жавобгарликни либераллаштириш муаммоларини таҳлил қилган.



Юқорида келтирилган олимларимизнинг илмий ишлари таҳлили иқтисодий жиноятчиликнинг назарий жиҳатлари тўлиқ ёритилганлигини кўрсатади.

Айнан шу йўналишдаги хорижий олимларнинг ишлари таҳлиliga эътибор берсак, хусусан, бир қаторда россиялик мутахассислар иқтисодий жиноятчиликка қарши курашнинг айрим муаммоларини, уларнинг маъмурий ҳолатлардан фарқларини тадқиқ этганлигини кўришимиз мумкин. Уларни ҳам таҳлилларимиздан келиб чиқиб шартли равишда икки гуруҳга ажратсак бўлади:

Биринчи гуруҳга – М.Х.Лапунин ва В.В.Гладилинлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва уларни криминаллашувдаги муаммолари, шунингдек, ўзгаларнинг мол-мулкни қонунга хилоф равишда талон-тарож қилиш жиноятининг маъмурий ҳуқуқбузарликлардан фарқини ўрганиб, таҳлил қилган;

Иккинчи гуруҳга – В.В.Лунеев, А.В.Наумов ва А.А.Скворцовлар халқаро, минтақавий ва Россия жиноятчилик тенденцияларини ўрганиб, сиёсий, иқтисодий, коррупцион, элитар, уюшган, ҳарбий ва глобализациялашган жиноятларга қарши кураш йулларини таҳлил қилганлар.

Юқорида келтирилган россиялик мутахассисларнинг илмий ишларининг таҳлили иқтисодий жиноятчиликнинг содир бўлиш омиллари ва криминалогик тавсифларни ва уларга қарши курашишдаги муаммоларига ечим изланганлигини кўрсатмоқда.

Шу ўринда, бошқа бир хорижий мутахассислар иқтисодий жиноятчиликка қарши курашнинг

баъзи муаммоларини тадқиқ этганлигини таҳлил қилиб, уларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳга – М.Патен ва Ч.Ф.Мустафаевлар иқтисодий жиноятчилик криминалогиясини, криминаллашув омилларини ёритиб беришган;

Иккинчи гуруҳга – К.Тидеман, М.Бассионелар иқтисодий жиноятчиликни ўрганиш усуллари ва методларининг илмий жиҳатларини ўз ишларида кўрсатиб беришган.

Мазкур олимларнинг тадқиқотларидан иқтисодий жиноятчиликнинг назарий методологик жиҳатларини, шунингдек, криминалогияси ҳамда ўрганиш метод ва усулларини амалиётга андоза сифатида тақдим этишимиз мумкин.

Аmmo мазкур хорижлик олимларнинг тадқиқотларида ҳам иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши курашишга тўсқинлик қилувчи омиллар, юзага келаётган муаммолар, уларни олдини олиш йўллари, шунингдек, қайсидир бир томондан қарши курашишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган чора-тадбирлар, таклифлар илгари сурилмаган, уларнинг алоҳида жиҳатлари ёритиб ўтилмаган.

Ўзбекистондаги мазкур йўналишда фаолият олиб борувчи айрим мутахассис ва экспертлар иқтисодиёт жиноятларга қарши курашда давлат иқтисодий сиёсатининг натижаларига қараб, Республикасида бу жараёнга салбий таъсир этувчи иқтисодий омилларни, иқтисодий жиноятлар ва хуфиёна иқтисодиёт таҳлилининг назарий-методологик асосларини, иқтисодий жиноятларга қарши курашиш



йўллари хамда ушбу жиноятларни содир этиш сабаблари ва уларни юзага келтирувчи омилларни таҳлил қилиб, иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ўз фикр-мулохазаларини ва таклифларини илгари суришмоқда.

Уларнинг фаолияти натижаларидан иқтисодий жиноятларни келиб чиқарувчи сабаблар ва омилларни, қарши курашнинг факатгина ҳуқуқий жиҳатлари очиб беришга уринилганини кўришимиз мумкин.

Булар ҳам ўз навбатида иқтисодий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа нодавлат тузилмалар фаолиятининг қарши курашда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий ва йўналишлари, қолаверса, амалиётдаги мавжуд муаммоларга аниқ урғу берилмаганлигини, самарадор томонлари ёритилмаганлигини кўрсатмоқда.

Юқорида бир қатор олимларнинг илмий ишларини, рисоаларини ўрганиш давомида “иқтисодий жиноятчилик” тушунчасига ягона ёндашувнинг йўқлигини, унга аниқ илмий изоҳ берилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳориж олимларидан америкалик криминолог Э.Сатерленд иқтисодий жиноятларга юксак мартабали шахсларнинг ўз касбий вазифаси доирасида ўзларига кўрсатилган ишончни бузиш билан содир этилувчи ҳуқуқбузарликларни “оқ ёқалилар жиноятчилиги” деган таъриф берган.

Б.Свенсон эса ўзининг илмий изланишларида иқтисодий жиноятларга хўжалик фаолияти доирасида содир этиладиган

таъмагирлик хусусиятига эга бўлган жиноий қилмиш дея таъриф берган.

Юқоридаги ҳориж олимларининг таърифларидан иқтисодий жиноятчилик факатгина хўжалик фаолиятига боғлиқ, маълум бир мансабдорлар томонидан содир этиладиган жиноятлар деган фикрни келтириб чиқармоқда.

Рус олимларидан Н.Ф.Кузнецова иқтисодий жиноятлар мулкка тажовуз ва тадбиркорлик соҳасидаги жиноятлардан ташкил топади деган фикрни илгари сўради[5].

Шунингдек, Е.Е.Дементьева иқтисодий жиноятчилик давлат иқтисодиёти, хусусий тадбиркорлик ва фуқароларнинг айрим гуруҳлари манфаатларига тажовуз қилишга қаратилган, ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар томонидан қонуний иқтисодий фаолият ниқоби остида доимий равишда амалга ошириладиган ноқонуний фаолиятдир” деган таърифни берган[6].

Яна бир рус олими В.В.Лунеев тадқиқотларида бозор иқтисодиёти ҳукм сураётган мамлакатларда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг асосини корпорациялар томонидан давлат иқтисодига, бошқа корпорацияларга, истеъмолчиларга, шунингдек, корпорацияларнинг хизматчилари томонидан эса шу корпорацияларга қарши амалга ошириладиган жиноий ҳаракатлар ташкил этишини баён этган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, иқтисодий жиноятларга қарши курашишда амалга оширилган тадқиқот натижалари, илгари сурилган фикрлар, амалиётда бу турдаги жиноятларга қарши курашишдаги муаммоларнинг



мавжудлиги, уларга қарши курашишда бугунги кун талабларига мос келадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлиги иқтисодий жиноятларга қарши курашишнинг долзарблигини ва бу борада таъсичан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Ушбу муаммоларнинг ечими амалдаги

жиноят қонунчилиги билан қамраб олинмаслиги, жамиятда иқтисодий жиноятчиликни келтириб чиқарувчи ижтимоий омилларнинг ортиб бориши келгусида, жамият иқтисодий хавфсизлигига жиддий таҳдидни юзага келтиради.

References:

1. Рустамбаев М.Х, Ахраров Б.Д. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши кураш муаммолари -Т: "Адолат", 2007; Аллаберганов П.А. Фирибгарлик жинояти учун жавобгарлик -Т: "Адолат", 2008; Абдурасулова Қ.Р. Криминология -Т: "Адолат", 2008.- Б.215; Усманиев М., Бакунов П.Б. Талончилик учун жавобгарликни либераллаштириш муаммолари -Т: "Адолат", 2007; Бакунов П.Б. Боскинчилик учун жавобгарлик-Т: "Адолат", 2007; Бабишев А. Ўзлаштириш ва растрата асосий таркибининг жиноий-хуқуқий тавсифи //Ж. "Фалсафа ва хуқуқ". -Т, 2008.- №4, - Б.24-25; Собиров М. Иқтисодий жиноятчиликнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ижтимоий-криминологик ислохотлари – Докторлик иши, ИИБ Академияси-Т: 2002; Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика.- дис., док. МВД Академия - Т: 1997; Джураев Ю.Э. Ўзгалар мулкани иштирокчиликда талон - торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари - кандидатлик иши, ТДЮИ-Т: 2006; Неъматов Ж.А. Уголовно - правовые проблемы международного сотрудничества в борьбе с легализацией доходов, полученных от преступной деятельности - дис., канд. МВД Академия - Т: 2002.
2. Лапунин М.Х. Вторичная преступная деятельность: понятие, виду, проблемы квалификации, криминализации и пенализации - М: Волтерс Клувер, 2006.- С.240; Анощенкова С.А. Уголовно - правовые учения о потерпевшем - М.: Волтерс Клувер, 2006.- С.248; Гладиллин В.В. Временное позаимствование в уголовном праве: вопросы ответственности -М.: Волтерс Клувер, 2006.- С. 351; Скворцов А.А. Причинение вреда жизни и здоровью при занятиях: проблемы уголовно-правовой квалификации - М.: Волтерс Клувер, 2006.- С. 952; Наумов А.В. Практика применения Уголовного Кодекса Российской Федерации: комментарии, судебное практика и доктринское толкование - М.: Волтерс Клувер, 2005. – С.1024; Лунеев В.В. Преступность XX века: мировые, региональные и российские тенденции - М.: Волтерс Клувер, - 2005.- С. 912.
3. Патен М. Бизнес соҳасидаги жиноят хуқуқи ва жиноят қонунларининг умумий қисми - П: Париж, 2004.- С.120; Мустафаев Ч.Ф. Проблемы уголовной ответственности за хищения имущества – Баку: Азербайджанская Энциклопедия, 1995. – 160 с.
4. Абдурасулова Қ.Р. Криминология - Тошкент: "Адолат" нашриёти, 2008; Аллаберганов П.А. Фирибгарлик жинояти учун жавобгарлик - Т: "Адолат", 2008.
5. Кузнецова Н.Ф. Кодификация норм о хозяйственных преступлениях // Вестник Московского университета. - Сер.11. Право, 1993. № 4. – С.12.



6. Дементьева Е.Е. Экономическая преступность и борьба с ней в странах с развитой рыночной экономикой (на материалах США и Германии). – М.: 1992. – С.12-13.